

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДАГИ

*Холиқов Азиз Бекназар ўғли  
ИИВ Академияси 3-босқич курсанти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш жараёнида прокуратура органлари билан ҳамкорликдаги тўғрисида фикр юритилган ҳамда ушбу фаолият юзасидан кўплаб тушунчаларга таъриф берилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий асослари, виктимологик, эътиқод қилиш, тинтув ўтказиш, тажовуз, норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

Мазкур мавзуда Профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан пракурор назорати тушунчасининг ҳуқуқий тартибни белгилаб берувчи ҳуқуқий асосларнинг тизими, уларни қўллаш аҳволи таҳлил қилинади.

Маълумки, жамиятнинг маънавий қиёфаси бевосита қонун устуворлигига боғлиқ, биз қонунга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантормас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазифаси прокуратура органларига юклатилганлиги ҳамда шу мақсадда уларнинг ҳузурида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилиши сабабли ҳудудий профилактика инспекторлари прокуратура органларининг бу борадаги бошқа кўрсатма ва топшириқларини бажарадилар. Прокуратура органлари профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг яқка, умумий, махсус ва виктимологик профилактикасини амалга ошириш жараёнида уларнинг фаолиятларини назорат қиладилар ва ҳамкорликни ташкил этадилар.

Профилактика инспекторлари ва прокуратура органлари ҳамкорликдаги фаолияти жамиятдаги ижтимоий муаммоларни хал қилишда катта аҳамият касб этади. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти доирасида прокуратура органлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60сонли Фармони. : <http://www.lex.uz>

фуқароларнинг жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилишида, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жинойтларни олдини олишни амалга оширишда прокуратура органларининг роли ва ўрни ошишига хизмат қилади.

Бугунги кунда ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган, ихтисослигидан қатъий назар, барча соҳа ходимлари ўз ишини маҳалладан, профилактика (катта) инспекторлари билан ҳамкорлик қилишдан бошлаши, унга таяниши лозим. Чунки аҳолини асосий қисми маҳаллада яшайди. Маҳаллада ҳамма бир-бирини танийди, бегона ёки нияти бузуқ кимсаларнинг бор-йўқлигини ҳам шу маҳалла аҳли яхши билади.<sup>2</sup> Фуқароларга маҳаллада рўй бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги, айниқса, ёшлар тарбиясига кўпроқ эътибор қаратилиши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилиб келинмоқда. Айниқса, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ҳаракатларни сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилиши бугунги кунда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини олдини олишга қаратилган ва энг самара бераётганлигини кўриб турибмиз.

Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш жараёнида прокуратура органлари билан ҳамкорликдаги фаолиятини амалга оширишда қуйидаги мажбуриятлар ҳам белгилаб қўйилган:

– маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга дарҳол етиб келиш, ғайриқонуний қилмишларга чек қўйиш, фуқароларнинг хавфсизлигига қаратилган таҳдидларни бартараф этиш, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси изларининг сақланишини таъминлаш;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда жабрланган, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёки бошқа турдаги ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

– маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида ўз хизмат мажбуриятларини бажариш муносабати билан унга маълум бўлган фуқароларнинг шахсий ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматига тааллуқли маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этмаслик, хизмат маълумотлари, шунингдек, тижорат ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирларнинг махфийлиги ва сақланишини таъминлаш.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш фаолиятида ҳамкорликни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини тадқиқ этиш барча даврларда, айниқса, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва

---

<sup>2</sup> Тошкент шаҳар ИИББ Профилактика инспекторлари хизмат фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий билимини ошириш юзасидан услубий қўлланма. – Т., 2002 йил 7-б

қонуний манфаатларини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш жамиятнинг асосий эҳтиёжи ва талабига айланган бугунги кунда ҳуқуқшунослар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг „Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида“<sup>3</sup>ги 2014 – йил 14 – майдаги қонунининг 11-моддасида

Прокуратура органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, шу жумладан солиқ, валютага оид ҳуқуқбузарликлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Жиноят протсессуал кодекси<sup>4</sup> нормалари жиноят ишларини юритишнинг жиноят-протсессуал қонунларда белгиланган тартибда қонунийлигини мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, жиноят-протсессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 май Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2014 йил 20-сон 221-модда

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси.– Т., «Адолат», 2021 йил

қилинмаслиги учун айбдорларни фoш этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60сонли Фармони.
2. Тошкент шаҳар ИИББ Профилактика инспекторлари хизмат фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий билимини ошириш юзасидан услубий қўлланма.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 май Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2014 йил 20-сон
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси.